

АСОСИЙ КАПИТАЛГА АМОРТИЗАЦИЯ ҲИСОБЛАШ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Насриддинов Жасуржон Исломович.

Жиззах политехника институти, PhD.

Аннотация: Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни ўзини-ўзи молиялаштиришда асосий капиталга амортизация ажратмалари ҳисоблаш ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари ҳамда буни давлат даражасида қонунийлаштириш масалалари тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар : Амортизация, жадаллашган амортизация, амортизация ҳисоблаш усуллари, жисмоний эскириш.

Abstract: In the context of innovative economy, it is discussed about the possibilities of calculating and effective use of depreciation allowances for the fixed capital in the self-financing of enterprises, as well as the issues of its legalization at the state level.

Key words: Depreciation, accelerated depreciation, depreciation calculation methods, physical wear and tear.

Кириш

Жаҳон амалиётида технологик хавфсизликни таъминлаш, инновацион-инвестицион саноат сиёсатини амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларида технологик қайта қуролланишни амалга ошириш, корхоналар учун дегрессив жадаллашган амортизация тизими ривожлантирилмоқда. Шу муносабат билан ривожланаётган давлатларда миллий ҳисоб тизими талабларини ҳисобга олиб инфляция ва технологик тараққиёт шароитида фан-техника тараққиёти ютуқларига тез берилувчан тармоқларда амортизациянинг инвестицион жараёнларни шакллантиришда жадаллашган амортизация усулини табақалаштириб рағбатлантириш, амортизациянинг ўрнини самарали қоплаш, унинг норма ва ставкасини аниқлаш, табақалашган мезонларини ва солиқ имтиёзларини ишлаб чиқишда дегрессив жадаллашган амортизация усуллари кўллаш бўйича мақсадли илмий изланишлар янада жадаллашмоқда.

Амортизация ва унинг жадаллашган усуллари қўллаш хусусиятларини тадқиқ этган хорижлик иқтисодчи олимлар қаторига Эллиот Б., Эллиот Ж., Френк Дж. Фабоцци, Пиндайк Р., Рубинфельд Д., Хендриксен Э.С., Ван Бреда М.Ф., Макконел К., Стенлей Б., Гётци У., Норзкот Д., Шустер П., Сломан Ж., Врайд А., Чатфилд М.А., Литтлтон А.С., Шмаленбах Э., Ласкю П., Маттерн К., Танхайзер З., Маттессич Р. ларни киритишимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида такрор ишлаб чиқариш жараёнида асосий капитални модернизациялаш ва иқтисодиётни барқарор ўстириб бориш талабларини ҳисобга олиб жадаллашган амортизация тизимини қўллашнинг назарий асосларини тизимли такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларни олиб боришни тақозо этмоқда. Ушбу жиҳатлар масаланинг долзарблигини белгилаб беради.

Методлар

Мақолада гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Натижалар

Иқтисодиётга фан-техника ютуқларини жорий қилишни тезлаштириш учун молиявий шарт-шароитларни вужудга келтириш ва ишлаб чиқарувчиларнинг асосий капиталларнинг фаол қисмини тезкор янгилаш ҳамда инновацион ривожланишдан манфаатдорликни ошириш мақсадида жадаллашган амортизация усулидан фойдаланиш кўзда тутилади.

Жадаллашган амортизацияни асосий капиталларнинг белгиланган норматив хизмат муддати таққосланганда улар баланс қийматини ишлаб чиқариш харажатларига тўлиқ ўтказилиши таъминланилишига кўра мақсадли усул ҳисобланади.

Амортизацияни ҳисоблашнинг жадаллашган усули материалларнинг янги прогрессив турларини ишлаб чиқариш, компьютер технологияларини жорий қилиш, маҳсулот экспортини кенгайтириш учун фойдаланиладиган асосий воситаларга нисбатан ҳамда жисмоний ва маънавий эскирган техникаларни

янги анча унумлилари билан оммавий алмаштириш тақозо қилинганда кенг қўлланиши мумкин.

Жадаллашган амортизация киритилганда уни ҳисоблашнинг бир текисдаги (чизиқли) усули қўлланилади, бунда тўлиқ тиклашга йиллик амортизация ажратмаси нормаси белгиланган тартибдан икки мартадан кўпга ошмаслиги зарур.

Шу сабабли замонавий иқтисодиётда амортизациянинг жадаллашган усуллардан фойдаланиш долзарб бўлмоқда. Бундан ташқари одатда таъмирлаш харажатлари асосий капиталдан фойдаланишнинг охири давларида дастлабки йилларига қараганда инфляция туфайли анча катта бўлади. Натижада асосий капитал объектлари нафлилиги ҳам узок давр оралиғида бир хил даражада сақланиб қолади. Йиллар йиғиндиси бўйича (кумулятив) қийматни чегирма қилиш усулида асосий капитал хизмат даврини кўрсатадиган йилдаги сонларни қўшиш орқали ҳисобланган коэффицентидан фойдаланилади.

Жадаллашган амортизациянинг йиллар йиғиндиси усули бўйича аниқланадиган кўрсаткичини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$S = \frac{N * (N + 1)}{2}$$

Бу ерда:

S – йиллар йиғиндиси; N – асосий капитал объектининг кўзда тутилган хизмат даври.

Амортизацияни ҳисоблашнинг юқоридаги усулларини таққослаш натижаларини графикда тасвирлаб, ҳар йилги амортизация суммаси ва асосий капиталнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги боғлиқликни аниқлаймиз.

Расмдан кўриниб турибдики, тўғри чизиқли ҳисобдан чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмаси 5 йил давомида бир хил (18 млн. бирлик) даражада сақланади.



1-расм. Турли усулларда ҳисобланган йиллик амортизация ажратмаси миқдори¹

Бу ерда:

ТЧХЧУ – тўғри чизикли ҳисобдан чиқариш усули;

ИЧУ – ишлаб чиқариш усули;

ЙЙУ – йиллар йиғиндиси усули;

КБКУ – камайиб борувчи қолдиқ усул.

Шундай қилиб, жадаллашган амортизация энг аввало, кўхна саноат мажмуаларида эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш суръатларини ошириш имконини беради. Мазкур усулда давлат томонидан алоҳида тармоқ ва корхоналарни ривожлантиришни жадаллаштиришнинг самарали дастаги сифатида ҳам фойдаланилиши мумкин. Бироқ, уни асосий капитални такрор ишлаб чиқариш механизмига киритиш фақат капитал қўйилмалар соҳасида ўз-ўзини молиялаштириш реал жорий қилингандагина мақсадга мувофиқдир².

Жадаллашган усулни қўллаш билан амортизация фонди унинг қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришнинг самарали воситаси бўлиб қолади. У фан-техника тараққиётини жорий қилиш суръатларига, фонд маблағларининг тармоқлараро тақсимланишига ва

¹Муаллиф томонидан тайёрланди.

²Конышев А.В. Амортизация и её роль в инвестиционном процессе: Диссертация. Самара, 2000. 182 с.

корхоналар хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади³.

Капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг барча муҳим манбаларидан ҳисобланган амортизация ўз маблағлари сифатида фойда каби инвестицияларни молиялаштиришнинг пул ресурси бўлиш билан бирга солиқ олинадиган асосни «ноль»га келтириш имконини ҳам беради.

Мунозара

Муаммога билдирилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, амортизациянинг асосий таркиблари бўйича қуйидаги умумий хулосаларни чиқарамиз:

амортизациянинг объекти жисмоний маънодаги асосий капитал ҳисобланади. Амортизацияни объектив иқтисодий категория сифатида қараб чиқиш лозим, унинг моддий асоси асосий капиталнинг айланиш жараёни ҳисобланади;

амортизация иқтисодий тушунча сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий капиталдан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди ҳамда амортизация ажратмаси, амортизация нормаси ва амортизация фонди каби аниқ ҳаракат шаклларига эга бўлади;

Қўлланилган манбалар рўйхати

1. Коньшев А.В. Амортизация и её роль в инвестиционном процессе: Диссертация. Самара, 2000. 182 с.
2. Yuriy I. Methodological Aspects of Depreciation as an Economic Category. 2016. Vol 6. SpecialIssue (S1). P. 93.
3. Islomovich, N. (2019). Application of amortization and properties of using accelerated methods. Journal of Management Value & Ethics, 9(No.2), 4–10.

³Коньшев А.В. Амортизация и её роль в инвестиционном процессе: Диссертация. Самара, 2000. 182 с.